Куч — адолатда

2012 йил,
26 январь,
пайшанба
№ 4 (361)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШНИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ





Мамлакатимиз иқтисодиётида юқори ўсиш суръатлари таъминлаб келинаётгани аҳолининг реал даромадларининг йил сайин ошиб боришига замин яратмоқда. Ўтган йили республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсгани бунинг яққол далилидир.

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилаётгани натижасидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб давлатларга салбий таъсир ўтказаётган бир шароитда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Ўзбекистоннинг бундай юксак натижага эришаётгани 2011 йилда дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири — Халқаро валюта жамғармаси томонидан ҳам эътироф этилди.

Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланган 2011 йил ютуқларга бойлиги билан тарих саҳифаларидан жой олди. Ана шу ютуқлар, эришилган натижалар шу йил 19 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида ҳам чуқур таҳлил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу мажлисдаги маърузасида 2011 йилда мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанатлилик таъминланганлиги қайд этилди.

(Давоми иккинчи бетда)



Мустақиллигимизнинг 20 йиллик даври мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқ ва эришилган марралар бугунги кунда жаҳон афкор оммаси томонидан эътироф этилмоқда. Албатта, мамлакатимизнинг бундай юксак эътирофга сазовор бўлишида бошқа соҳалар қаторида оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Istiqlol va imkoniyat

Миллий матбуот равнақи йўлида



Маълумки, жамиятда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёни биринчи галда матбуотда акс этади. Қолаверса, фуқароларимизнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштирокини, уларга нисбатан муносабатини билдиришда ҳам оммавий ахборот воситалари асосий минбар вазифасини ўтайди.

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, фуқаролик институтлари тизимидаги ўрни ва ролини кучайтириш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда ушбу соҳани эркинлаштириш, демократлаштириш ва модернизация қилишни тартибга солувчи демократик талаблар ва стандартларга мос қонунчилик базаси яратилди ва йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Чунончи, ўтган даврда бу йўналишда 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**, **«Телекоммуникация тўғрисида»**, **«Реклама тўғрисида»**, **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонунлар шулар жумласидандир. Албатта, бундай ҳуқуқий асослар соҳа ривожида муҳим омил бўлди. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда кейинги 10 йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситалари эса 7 баробар кўпайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islohot va samara

Қонунчиликнинг либераллаштирилиши

амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, қонунчиликни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бугун амалда ўзининг аниқ самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, ушбу йўналишдаги янгиланишларнинг ҳуқуқий асоси бўлган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунга кўра, жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг катта қисми — 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Шартнома интизомни талаб қилади

Шартнома интизоми — бозор муносабатлари жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у орқали томонларнинг ҳуқуқлари кафолати таъминланади. Шу боис ҳам шартнома билан боғлиқ жараёнлар қонунлар билан тартибга солиниши баробарида адлия идораларининг ҳам доимий эътиборидадир. Бу борада Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, монопол корхоналар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишни янада мукаммаллаштириш, рақобат ва унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш шароитида энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Айтиш керакки, юртимизда самарали рақобат сиёсатининг амалга оширилиши, эркин бозор иқтисодиёти шароитида рақобат муҳитининг такомиллашиши натижасида товар ва хизматлар бозорлари монополлашуви даражасининг сезиларли даражада камайишига эришилди.

Yangi qonun mohiyati

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллашуви

тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ҳуқуқий кафолати саналади

Айни пайтда монополияга қарши чора-тадбирларни тартибга солиш тизими ҳамда рақобат муҳитини изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилиши, иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш талаблари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг назорат вазифалари қисқартирилиши, шунингдек, изчил ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўзаро муносабатлари рақобат тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди. Зеро, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкий муносабатларнинг янги шакллари ривожланиши натижасида бозор қўйган талабларни, яъни шаклланган муносабатларни тартиб солишга эҳтиёж пайдо бўлди. Бошқача айтганда, ҳозирги пайтда монополистик фаолиятни нафақат товар бозорларида, балки молия бозорларида, қимматли қоғозлар бозорида, биржа савдоларида ҳам чеклаш чораларини кўришни давлатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси талаб этмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Iqtisodiyotimiz tamoyillari

Юксалиш омиллари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда. Тадбиркорлик соҳаси ривожини эса, банклар фаолияти ва уларнинг кўмагисиз тасаввур қилиш мушкул. Бугунги кунда юртимизда самарали фаолият олиб бораётган банклардан бири «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банкидир.

Ушбу банк ўтган йили «Fitch ratings» халқаро рейтинг агентлигининг «барқарор» деган баҳосини олишга эришди. Албатта, бу эътирофга осонликча эришилгани йўқ. Юртимиздаги барқарор тинчлик-осойишталик, қонун устуворлиги, қолаверса, банк жамоасининг якдиллиги, ҳамжиҳатлиги эвазига банк фаолиятининг самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2011 йилда банк капитали 32,3 фоиз, активлари 20 фоиз, мажбуриятлари 18 фоиз, кредит портфели эса, 52,7 фоиз, умумий депозитлар ҳажми 28,1 фоиз ўсди.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Мулкни эгасиз деб топиш

унинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Маълумки, фуқаролик қонунчилигига кўра, эгасиз ёки эгаси номаълум мулк эгасиз ашё ҳисобланади. Бундай мулкни эгасиз деб топиш асослари ва уни тасарруф этиш тартиби қонунда белгиланган бўлиб, қуйида ана шу ҳуқуқий меъёрлар ҳақида фикр юритамиз.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, мулкни эгасиз деб топиш ҳақидаги ариза молия идораси ёки бошқа ваколатли идора томонидан ушбу мулк турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судларга берилади. Аризада қайси мулкни эгасиз деб топиш лозимлиги кўрсатилиши, шунингдек, ушбу мулкнинг эгасини белгилаш имкони йўқлигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

Ариза суд томонидан қабул қилингач, судья ишни судда кўришга тайёрлашда мулк кимга тегишли эканлиги тўғрисида маълумот бериши мумкин бўлган шахсларни, мулкка амалда эгалик қилиб турганлар, қўшнилар ва бошқаларни аниқлайди, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан мулкка доир маълумотларни сўрайди.

Фуқаролик кодексининг 191-моддасига кўра, эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз мулк ҳисобланади. Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органи ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ, кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи идора томонидан ҳисобга олинади.

(Давоми учинчи бетда)

Iqtisodiyotimiz tamoyillari

Юксалиш омиллари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда мамлакатимизда банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг пухта шакллантирилгани ва унинг ижроси қатъий таъминланаётгани банклар фаолиятида муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳуқуқий асослар банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, энг юксак халқаро стандартларга мос замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш ва сифатининг ошишига шароит яратмоқда.

Маълумки, банк фаолиятининг махсус ва умумий қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солиниши банк ходимларининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси юқори бўлишини тақозо этади. Шу боис «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банкида ходимларнинг ҳуқуқий малакасини мунтазам ошириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Президентимизнинг **«2011 — 2015 йилларда республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш ҳамда халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»**ги қарорида ҳам бу вазифа алоҳида белгиланган.

Банк ва унинг филиаллари ўртасида, мана, бир неча йилдирки, ҳужжатларнинг электрон айланиш тизими жорий этилган. Бу банкка келиб тушган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни икки кун ичида Бош банкдан то филиал ва минибанклардаги масъул ходимларгача етказиш, уни ижрога қабул қилиб олиш, қабул қилинган сана ҳамда вақтигача назорат қилиш имконини беради. Ушбу тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаракатини унинг ижросига дахлдор ҳар бир ходим тўлиқ кўриши мумкин.

Ходимларнинг ижрочилик қобилиятини, касб маҳоратини аниқлашда аттестация тизими ҳам қўл келмоқда. Бу эса, ходимларнинг ўз устиларида кўпроқ ишлаши ва билимларини муттасил ошириб боришларига туртки бўлмоқда. Банк раҳбарияти 2010 йилдан бошлаб ходимларни ички аттестациядан ўтказишнинг янги тартибини жорий этди. Унга кўра, аттестациянинг аввалгидек ҳар уч йилда эмас, балки ҳар йили ўтказилиши белгиланди.

Умумиқтисодий аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий мезонларга амал қилиш банкнинг хўжалик субъектлари ва мижозлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ташкил этиш, муносабатларини тартибга солиш, эркин ва ишонч билан ҳаракат қилиш, томонларнинг ўз бизнесларини ривожлантириши гарови бўлиб қолмоқда. Банкда шакллантирилган ҳуқуқий маданият, табиийки, мижозлар сонининг ўсишида ҳам ўз аксини топмоқда. Буни ўтган йили банк мижозлари салкам 5000 тага кўпайганидан ҳам билиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг беминнат кўмакчисига айланган банк самарали фаолияти билан юртимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Албатта, бунда мамлакатимизда қонун устуворлигининг тўлиқ таъминланаётгани, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит яратилаётгани, жумладан, улар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар татбиқ этилаётгани ҳам муҳим ўрин тутади.

Асқар ХАЙДАРОВ,
журналист

Munosabat

Тараққиёт ва юксалишнинг ойдин йўллари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дарҳақиқат, 2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,6 фоизни, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 16,1 фоизни ташкил этди.

Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши ҳамда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш бўйича устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажмини 11,2 фоизга кўпайтириш имконини берди. 1006 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, 144 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Қишлоқ жойларда янги тураржой массивларини қуриш ва замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш давом эттирилди. 2011 йилда 156 та қишлоқ туманида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига намунавий лойиҳалар бўйича 7,4 мингта уй-жой фойдаланишга топширилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кенг кўламли ишлар олиб борилиши 2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улуши 2010 йилдаги 52,5 фоиз ўрнига 54 фоизгача кўпайишига кўмаклашди.



Энг муҳими, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастуридоирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида қарийб 1 миллионта иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 68 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келади.

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилди ҳамда 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини бажаришга қаратилган дастурий вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Булар жумласига иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширишни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларини самарали ҳал этиш ҳам жорий йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалардандир.

«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан жорий йилда ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини ошириш билан боғлиқ масалалар давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида бўлиши мажлисда алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Буларнинг амалда рўёбга чиқарилиши юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Qonun ko`magi

Шартнома интизомни талаб қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, шартномавий муносабатларда қонунбузилиш ҳолати юзага келганда, тадбиркорлик субъекти адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиши мумкин. Масалан, Навбаҳор туманидаги «Ферузбек» фермер хўжалиги раиси Н.Қувватова «Навбаҳорпахтатозалаш» масъулияти чекланган жамияти томонидан топширилган пахта хомашёси учун тўланмаётган қарздорликни ундириб беришни сўраб мурожаат қилди.



Ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар бўйича «Навбаҳорпахтатозалаш» жамиятига 7,9 миллион сўм қарздорликни тўлаш тўғрисида талабнома киритилди. Унга асосан жамият фермер хўжалигининг ҳақини тўлаб берди.

Айтиш керакки, 2011 йилда шартномавий муносабатлар юзасидан хўжалик судларига 446 та, жами 2,5 миллиард сўмликдан зиёд даъво аризалари киритилди. Ушбу даъво аризаларининг аксарияти судлар томонидан кўрилиб, суд қарорларига асосан асосий қарз, шу жумладан, моддий ва маънавий зарарлар ҳамда пеня ва жарималар ундирилиши таъминланмоқда.

2011 йил давомида вилоятнинг туман ва шаҳарларида 106 та корхона ва ташкилотда шартномавий муносабатларга оид қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганиб чиқилди. Натижада бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Мазкур қонубузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли идора ва ташкилотларга 62 та тақдимнома ва 120 та кўрсатма киритилди.

Мазкур тақдимномалар тегишли корхона ва ташкилотларда атрофлича муҳокама қилиниб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 197 нафар айбдор мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 10 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 5 та ноқонуний ҳужжат бекор қилинди.

Бундан ташқари киритилган тақдимномаларга асосан тадбиркорлик субъектлари, хусусан, фермер хўжаликларига 2 миллиард сўмдан зиёд пул маблағлари қайтарилиши таъминланди.

Ҳаётда ҳамкорликнинг энг биринчи шарти — ваъдага амал қилишдир. Шу маънода шартнома муносабатларида ҳам томонларнинг келишилган вазифаларни тўлиқ бажаришлари муваффақият гарови саналади. Албатта, мажбуриятдан бўйин товлаш жавобгарликни келтириб чиқаради. Шундай экан, шартномавий муносабатларда муваффақиятни таъминлайдиган битта мезон бор. У ҳам бўлса, зиммадаги масъулиятни асло эсдан чиқармасликдир.

Салимжон АБДУРАСУЛОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Фуқаролик кодексининг 134-моддасига кўра, ишончнома бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколатдир. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида фаолият олиб боради.

Maslahat

Ишончнома

унинг қандай турлари мавжуд?

Қонунда белгиланганидек, ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Шунингдек, қонунда нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар ҳам мавжуд бўлиб, бу тоифадаги ишончномаларга қуйидагилар киради:

- ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса, ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари (автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно);
- озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари (автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно).

Хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилади. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ишончномани тузиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироки талаб этилмайди. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолларда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир. Ишончномани нотариал тасдиқлаш жараёнида бу ҳақда белгилаб қўйилади.

Мамат ЗОИРОВ,
Навоий шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси

Saboq

Қинғир ишнинг қийиғи чиқди

Бу ҳаётда мулоҳаза билан иш тутган, энг муҳими, ҳалолликка путур етказмаган киши асло адашмайди. Шунга қарамай, ўз шахсий манфаатинигина ўйлаган айрим кимсаларнинг ёлғончилик билан иш тутишдан тап тортмаслиги ачинарлидир. Ҳолбуки, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам ошкор бўлиши исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Президентимизнинг 2005 йил 23 декабрдаги **«Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутганини таъкидлаш жоиз. Ушбу қарорда минерал ўғитларнинг шартнома асосида фақат фермер хўжаликларига тарқатилиши белгиланган.

2011 йилнинг 14 декабрида «Сангзор-15» йўл-патрул хизмати масканида вилоят ички ишлар бошқармаси йўл-патрул хизмати ва божхона ходимлари томонидан «Нексия» русумли автомашина текширилганда, ҳайдовчи Ғиёсиддин Шукруллаевнинг ўн тўрт қоп — 700 килограмм аммиакли селитра минерал ўғитини олиб кетаётгани маълум бўлди. Ғиёсиддин, табиийки, минерал ўғитларга таалуқли бирор-бир ҳужжат кўрсата олмади.

Судда F.Шукруллаев ўзининг ҳуқуқбузарлигига тўлиқ иқрорлик билдирди. Айтишига қараганда, у 14 декабрь куни Сардоба туманидан қайтаётганда йўлда бегона бир йигитдан ҳар бир қоп аммиакли селитрани ўн минг сўмдан сотиб олган, эндиликда қилмишидан пушаймон. Шу боис суддан енгиллик беришни сўради.

Ҳолбуки, ҳуқуқбузар F.Шукруллаев минерал ўғитлар шартнома асосида фермер хўжаликларигагина берилишини, бинобарин, жисмоний шахслар томонидан ўғит сотиб олиш, сақлаш, олиб юриш мумкин эмаслигини яхши билган. Аммо у ўзининг манфаатини ўйлаб, бу хатти-ҳаракатдан тийила олмаган.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасида жиноят қуроллари мусодара қилиниши ёки тегишли тартибда йўқ қилиниши белгиланган. Шунга кўра, ашёвий далил тариқасида олинган 700 килограмм аммиакли селитра минерал ўғити давлат фойдасига мусодара қилинди. Суд томонидан F.Шукруллаев Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузар деб топилди ва унга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

Сўнгги сўз шуки, ёлғончилик ҳақиқат олдида ҳамиша мағлуб. Бинобарин, ҳақиқатга таяниб яшаган киши адашмагани сингари, қонунга зид хатти-ҳаракатга йўл қўйган кимса ҳам айбига яраша жазосини олиши шубҳасиздир. Шу маънода оилали, икки нафар фарзанднинг отаси бўлган Ғиёсиддин Шукруллаевнинг эгрилиги фош бўлгани кимларгадир сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Илҳом РОЗИҚОВ,
жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол тумани судининг раиси

Qilmish-qidirmish

Ваъдага вафо

Маълумки, Конституциямизда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, бу мулкларнинг қўриқланиши ҳамда дахлсизлиги кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 36-моддасига кўра, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, банкка қўйилган омонатлар сир тутилади ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади, 53-моддасига биноан эса, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Албатта, Конституциямиз ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган бу ҳуқуқлардан оқилона фойдаланиб, ҳалол меҳнати эвазига мулкдор бўлган, ўз мулкидан белгиланган тартибдаги солиқ ҳамда бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб, жамиятимиз равнақига ҳисса қўшиб келаётган фуқароларимиз кўп. Аммо беш қўл баравар бўлмагани сингари бировнинг ҳуқуқига дахл қиладиган, жумладан, ўзгаларнинг мулк ҳуқуқи дахлсизлигини бузишдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

Қонунга кўра, ўзгалар мулкини талон-торож этиш жиноят босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата, фирибгарлик, ўғрилик каби шаклларда амалга оширилади. Бу жиноят турларининг бир-биридан фарқи шундаки, босқинчилик, товламачилик, талончилик жиноятларида жабрланувчи ўзига, мулкига нисбатан тажовуз қилинаётганлигини аниқ билиб туради.

Ўғирлик жиноятида эса, айбдор ўз мақсадини ҳам, жиноятини ҳам жабрланувчи ва бошқалардан яширишга ҳаракат қилади. Масалан, жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани суди томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбланган Комил Асадуллаев 2010 йилнинг 3 ноябрида ўғрилик жиноятини содир этган. У муқаддам ҳам бир неча марта суднинг қора курсисига ўтирган, ҳатто суд ҳукмига кўра, манзил-колонияда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб турган бир пайтда такроран жиноят кўчасига кирган. Аниқланишича, К.Асадуллаев Сирдарё шаҳри Ҳамид Олимжон номидаги кўча, 296-уйда яшовчи Е.Парцалидунинг уйига ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб киради ва «LG» русумли телевизор, «Агшидель» русумли сув насосини ўғирлаб чиқади. Кейинчалик у ўғирланган буюмларини номаълум шахсларга арзон-гаровга сотиб юборади.

Суд ушбу жиноятга оид барча ҳужатларни эътиборга олиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда К.Асадуллаевга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топди. Шунингдек, ҳукмда жабрланувчи Е.Парцалидуга етказилган зарарнинг К.Асадуллаевдан ундирилиши белгиланди.

Сўз юритилаётган жиноятнинг яна бир тури — ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу ҳолатда жабрланувчининг мулки айбдорнинг тасарруфига ишониб топширилган бўлиб, жабрланувчи ва айбдор ўртасида ушбу мулкни мутаносиб равишда сақлаш, ушбу мулк учун моддий жавобгарлик юзасидан тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Фирибгарлик жиноятининг эса, жабрланувчини алдаш ва унинг ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан, яъни мулкни тасарруф этиш борасидаги хатти-ҳаракатлар очиқдан-очиқ бўлгани ҳолда, айбдор ўзининг асл мақсадини — жабрланувчини алдаётганлиги, ишончини суиистеъмол қилаётганлигини сир сақлайди.

Шу ўринда бевосита мисолга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани суди ҳукмига кўра, М.Ражабов алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкини талон-торож этиш жиноятини содир қилган.

Yangi qonun mohiyati

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллашуви

тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ҳуқуқий кафолати саналади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу маънода Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида **«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»**ги қонун бугунги кунда эскиргани ва замон талабларига жавоб бера олмай қолганлиги, шу билан бирга **«Рақобат тўғрисида»**ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурияти юзага келганлиги таъкидланган.

Айтиш керакки, Концепция ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган **«Рақобат тўғрисида»**ги қонун Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5-6 декабрда бўлиб ўтган VII-ялпи мажлисида маъқулланди ва 2012 йилнинг 7 январида матбуотда расман эълон қилинди.

Янги қонунда аввал мавжуд бўлган «устун мавқе», «шахслар гуруҳи», «монопол қиммат нарх», «монопол арзон нарх», «камситувчи шартлар» каби тушунчалар иқтисодий ривожланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда янгича тавсифланди, алоҳида белгилари ва мезонлари белгиланди, қолаверса, «рақобат» тушунчасига янгича ҳуқуқий баҳо берилди.

Қайд этиш жоизки, ушбу янги қонуннинг асосий афзалликларидан бири товар ва молия бозорларида тадбиркорлик субъектларининг эркин ҳаракатланишига ва тенг рақобат муҳитида мусобақалашувига тўсқинлик қилувчи рақобатга қарши ҳаракатлар алоҳида бобда батафсил тартибга солинганлигидадир.

Қонунда рақобатга қарши ҳаракатлар бозор иқтисодиётининг ҳамда товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича белгиланди. «Рақобатга қарши ҳаракатлар — рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дир».

Шунингдек, қонунда товар бозорларидаги муносабатларнинг молия хизматлари бозоридаги муносабатлардан фарқи аниқлаштирилди. Зеро, товар бозорларида сотиш ёки алмаштиришни мақсад қилувчи фаолият маҳсуллари бўлмиш маҳсулотлар, товарлар айланади. Молия хизматлари бозорида эса, муносабатлар объекти молия хизматлари ҳисобланади. Хусусан, молия хизматлари пул маблағларини жалб этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолият ҳисобланиб, ушбу туркумга банк хизматлари, суғурта хизматлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради.

Янги қонунда товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлар субъектлари бўлмиш хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бир-биридан фарқи очиб берилди. Хусусан, товар бозорларида хўжалик юритувчи субъектлар, молия бозорларида эса, молия ташкилотлари сифатида банклар, суғурта компаниялари, лизинг компаниялари, микрокредит ташкилотлари ва бошқа молия ташкилотлари иштирок этиши белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорларида, балки молия бозорларида, биржа савдоларида ҳам тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, чунончи, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш қоидаларини соддалаштириш бўйича меъёрлар мустаҳкамланди.

Айтилганидек, қонунда рақобатга қарши ҳаракатларга оид алоҳида боб ажратилган. Унда устун мавқени суиистеъмол қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тақиқлаш, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини ва инсофсиз рақобатни тақиқлаш белгиланган.

Қонунда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг зарурий белгиси сифатида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратига бағишланган меъёр ҳам назарда тутилди. Унга кўра, ўз низомларига мувофиқ рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш ва истеъмолчиларнинг манфаатларини рақобатга қарши ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлган жамоат бирлашмалари рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

Айтиш керакки, **«Рақобат тўғрисида»**ги қонун халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда ишлаб чиқилган ва ривожланган давлатларнинг илғор қонунчилик тажрибасини ўзида акс эттирган.

Шу ўринда ривожланган давлатларда рақобат соҳасидаги қонунчилик тажрибаси ва амалиёти ҳамда унинг ривожланиш тарихига назар ташласак, XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида бозор иқтисодиёти шароитидаги давлатларда рақобат қонуний ва ноқонуний рақобатга (инсофсиз рақобат) (concurrence deloyale, unlautern Wettbrewerb, unfair competition) ажратилган. Ноқонуний рақобатдан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи биринчи марта 1883 йил 20 мартдаги **«Саноат мулкини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Париж конвенциясида белгиланган.

Шунингдек, Франция, Италия, Нидерландия ва бошқа давлатларда инсофсиз рақобатга қарши курашнинг ҳуқуқий асоси турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий тартиблари асосида қўлланилади. Аксинча, бошқа айрим давлатларда, масалан, Англия, Бельгия, Германия, Швейцария, Австрия, Испания давлатларида рақобатни тартибга солувчи «Рақобот тўғрисида»ги, «Товарлар олдисотдиси тўғрисида»ги, «Товар белгилари тўғрисида»ги, «Кўргазма ва ярмаркаларда савдо қилиш тўғрисида»ги қонунлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонун демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириб, тадбиркорлик субъектлари учун соғлом рақобат муҳитида мусобақалашиш имкониятини кенгайтиради ҳамда рақобатни ривожлантиришни янада рағбатлантиришга ва монополистик фаолиятни тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Даврон АХМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Мулкни эгасиз деб топиш

унинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан сўнг уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкини бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин. Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгалигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Суд мол-мулк ёки ашёнинг мулкдори йўқ ёки номаълум деб топса, мол-мулкни ёки ашёни эгасиз деб топиш ва уни давлат мулкига ўтказиш тўғрисида Фуқаролик процессуал кодексининг 300-моддасига асосан ҳал қилув қарори чиқаради.

Юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари томонидан 2011 йилда жами 574 та фуқаролик ишлари мазмунан ҳал қилиниб, барча аризалар суднинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Мисол учун айтганда, Гулистон тумани ҳокимлиги томонидан келтирилган аризада Гулистон тумани, «Ишонч» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, «Истиқлол» кўчасида жойлашган уй марҳум И.Кучиевга тегишли эканлиги, уйга тааллуқли бўлган ҳужжатлар «Ермулккадастр» давлат корхонаси архивида қайд этилмаганлиги, марҳумнинг меросхўрлари бўлмаганлиги боис, ушбу уйни эгасиз деб топиш ва маҳаллий ҳокимият тасарруфига ўтказиш сўралган.

Аниқланишича, Гулистон тумани, «Олтин Ўрда» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган уйда марҳум И.Кучиев яшаган. Сирдарё вилояти «Ермулккадастр» давлат корхонасининг маълумотномасига кўра, И.Кучиев номидаги ушбу уйнинг техник маълумотлари мавжуд, лекин ҳуқуқий ҳужжатлари архивда йўқ. И.Кучиев эса 2004 йил 28 июнда вафот этган, шу кундан ҳозирга қадар уй қаровсиз қолган, уйга меросхўр эканликлари тўғрисида ҳеч ким мурожаат қилмаган. Шу сабабли сўз юритилаётган уй «Олтин Ўрда» қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан рўйхатга олинган. «Олтин Ўрда» қишлоқ фуқаролар йиғининг 2005 йил 6 мартдаги мажлис баённомасида низоли уйни гувоҳлар иштирокида фуқаро Т.Тилабов сотиб олганлиги кўрсатилган бўлса-да, бироқ марҳум И.Кучиев ва Т.Тилабовлар ўртасида битим тузилганлиги ҳақида ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмас. Бундан ташқари суд мажлисида гувоҳ Т.Тилабов ҳам ушбу ҳолатларни тасдиқлаб кўрсатма берган.

Суд марҳум И.Кучиевнинг уйжойга нисбатан эгалиги мавжуд бўлмаганлигини аниқлади ҳамда ушбу мулкнинг эгасини белгилаш имкони йўқлигини эътиборга олиб, уйни Гулистон тумани ҳокимлиги тасарруфига ўтказишни лозим топди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир шахсга ўз мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи кафолатланади, эгалик қилинмаган мол-мулк ёки ашёга бўлган мулк ҳуқуқи қонун билан тартибга солинади.

Ҳусан МУЛЛАЖОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси

Islohot va samara

Қонунчиликнинг либераллаштирилиши

амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳолбуки, собиқ шўро даврида қасддан баданга ўртача оғир ва енгил шикаст етказиш, қийнаш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, рақобатчини обрўсизлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш каби жиноятларни содир этган шахсга, у ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан келишган ёки ярашиб олган бўлса ҳам, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинланган.

Маълумки, 2001 йил 29 августда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан амалдаги Жиноят кодексига 66[1]-модда киритилди. Жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш тамойилларини қамраб олган ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ушбу моддага асосан, етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашилган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Воҳид Мўйдинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2011 йил 19 август куни «Наманган йўловчи ташиш давлат унитар автокорхонаси»га тегишли бўлган автобусни бошқариб кетаётиб, йўлни кесиб ўтаётган Қудрат Муҳиддиновни уриб юборади. Унинг бу хатти-ҳаракати Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан малакаланди.

Суд ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, В.Мўйдиновнинг айбига иқрорлиги, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлиги ва Қ.Муҳиддиновнинг жавобгар билан ярашиб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида ёзган аризасини инобатга олди ҳамда ушбу жиноят ишини Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига асосан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Кўриниб турибдики, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Негаки, жазодан кўзланган асосий мақсад жавобгарда қўрқув ҳиссини уйғотиш эмас, балки унинг ўз айбини англашига эришишдир. Энг муҳими, инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари теран илдизга эга. Яъни халқимиз қадим-қадимдан йиқилганни суяш, айбига иқрор бўлган кишини кечириш сингари фазилатларни улуғлаб келадики, ярашув институти айни қадриятларнинг ҳуқуқий ифодаси ҳисобланади.

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**да суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришнинг келгусидаги устувор вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, Концепцияда Жиноят процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма таклиф этилди. Чунки амалдаги Жиноят-процессуал кодексида прокурорнинг суд терговида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган бўлиб, бугунги кунда айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилмоқда. Ваҳоланки, айблов хулосасида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар ва айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Шунингдек, унда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг мазкур жиноятни назарда тутган моддасини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади. Бу эса одил судловни амалга оширувчи, ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлмаган, холис суд идораларининг мақсад ва вазифаларига мос келмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Жиноят процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқий меъёрнинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, соҳага оид қонунчиликнинг янада такомиллаштирилаётгани инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга мустаҳкам замин яратаётир.

Бумайрам БОБОМИРЗАЕВА,
жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, қарздор ижро иши юритувидан тараф сифатида чиқиб кетса, унинг мажбуриятлари ҳуқуқий ворисига юкланадими?

Қ.ҲАКИМОВ,
Асака шаҳри

— Адлия вазирлигининг 2007 йил 24 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланган **«Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида»**ги Йўриқномада кўрсатилишича, қарздор ижро иши юритувидан тараф сифатида чиқиб кетган тақдирда, суд ижрочиси **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, қарздорни унинг ҳуқуқий вориси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштириши шарт. Мазкур қонунда йиғимни тўлаш мажбурияти ушбу ҳуқуқий ворисга ўтиши ҳақида ҳам кўрсатилади.

Содда қилиб айтганда, ҳуқуқий ворислик — ижро иши юритиш жараёнида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир тарафдан илгари ижро иши юритишда иштирок этмаган бошқа шахсга ўтишидир.

Саволга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

мардннинг иши

лафзни унутиш эса, ҳеч қачон обрў келтирмайди

М.Ражабов 2010 йил июнь ойининг ўрталарида таниши Алибек Қодировга ўзининг қувур ва гипс ишлаб чиқарадиган цех очмоқчи эканлиги, ҳозирда зарур маҳсулотларни харид қилиши учун 20 миллион сўм зарур эканини айтиб, қарз сўрайди. А.Қодиров эса, ўзида бунча пул йўқлигини, агар хоҳласа, танишларидан сўраб кўришини билдиради.

Орадан икки кун ўтгач, М.Ражабов А.Қодировга қўнғироқ қилиб, яна илтимосини эслатади. «Яхши иш бошлаётган экан, қўлимдан келган ёрдамни аясам, инсофдан бўлмас», деган фикрда А.Қодиров таниши Абдурауф Холиқовга қўнғироқ қилиб, М.Ражабовнинг ўзига айтганларини сўзлаб беради. «Пулингиз бўлса, ёрдам беринг, яхшилигингизни унутмаслигига жуда ишонтирянти», деб қўшиб қўяди. А.Қодировнинг юзидан ўтолмаган А.Холиқов бу илтимосга рози бўлади. Хуллас, 2010 йил 12 июль куни Абдурауф Холиқовдан 20 миллион сўм олган М.Ражабов: «Олти ойда қарзимни тўлиқ узаман. Хоҳласангиз, тилхат ҳам ёзиб бераман. Лекин келинг, ака-укачиликка шу қоғозни аралаштирмайлик, лафзга ишонайлик», — дея ваъдани қуюқ қилади.

Таассуфки, А.Қодиров билан А.Холиқовнинг «иш бошлаётган бир танишимизга ёрдам бердик», деган қувончи узоққа чўзилмади. Аввало, ҳар ойда келиб, учрашишга ваъда берган М.Ражабов қорасини кўрсатмайди, ҳатто қарзни қайтариш муддати — олти ой ўтгандан сўнг ҳам ваъдасини бажаришни ўйламайди. Уни излаб топган А.Холиқовга: «Банкрот бўлиб қолдим, бошқа маҳсулот ишлаб чиқаряпман, тезда қарзимни узаман», дея турли баҳоналарни тўқийди. Хуллас, унинг важкарсонлари тугайвермагач, А.Холиқов судга мурожаат этади.

Буни қарангки, М.Ражабов жавобгарликка тортилгач, хатосини тузатишга ошиқиб, А.Холиқовдан олган қарзларини тўлиқ қайтарди. Табиийки, бу ҳолат судда ҳам инобатга олинди. Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги **«Фирибгарликка оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қароридаги раҳбарий тушунтиришларга асосланган суд М.Ражабовга жазо белгилашда унинг қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказган зарарини тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги каби жиҳатларни эътиборга олди ва унга нисбатан ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Шу ўринда айрим кишилар гоҳида ишонувчанлиги, гоҳида эса ўз ҳуқуқини билмаслиги сабабли фирибгарларнинг тузоғига илиниб қолаётганини таъкидлаш керак. Ҳолбуки, доимо қонунга таянилса, ўз-ўзидан фирибгар кимсаларнинг пайи қирқилади. Қолаверса, фуқароларнинг барча масалаларни қонуний даражада ҳал этиш учун тегишли ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиб, бошқа шахсларга мол-мулкини ҳам шартнома асосидагина беришса, турли низолар юзага келмайди. Бундай ҳолатда бошқа шахсдан ўз мулкини гаровга қўйиб олган шахс, агарда у жиноят содир этишга мойил бўлса ҳам, ушбу маблағни ўзлаштириш фикридан қайтади. Бундан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан мулк ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинса, бундай тадбирлар фуқароларни эҳтиёткорликка ундаши баробарида жиноятларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Иброҳим ҚОРАБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судининг судьяси

Jinoyat va jazo

Қалтис қадам

ёхуд қинғирлик билан пул топишга уриниш оқибати хусусида

Суд очерки

Бундан икки йилча муқаддам куз кунларидан бирида Хосият опа (исм-фамилиялар ўзгартирилди) уйи остонасидан кимдир билдирмай ташлаб кетган хатжилд топиб олди.

«Хориждан келганингизни билмасдан қолибмиз, — деб бошланганди хат уй соҳибасига қарата. — Агар икки минг АҚШ доллари бермасангиз, қизингизни ўғирлаб кетамиз»...

Хосият опа хатни ўқигач, негадир унга ортиқча эътибор бермади, танишларимиздан биронтаси ҳазиллашган бўлса керак, деган ўйда уни йиртиб ташлади.

Аммо орадан беш кун ўтгач, ҳалиги сирли хатда ёзилган талаблар ҳазил эмаслиги ойдинлашди. Уй телефонига нотаниш кимса қўнғироқ қилиб, кўча тарафдаги дераза токчасида турган хатни олиб, ўқиб кўришни буюрди. Шундан сўнг Хосият опанинг кўнглига ваҳима оралади. У шоша-пиша дераза рахидаги хатни олиб ўқишга тушди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Кенгашиб бажарилган ишда афсус-надомат бўлмайди.

* * *

Қўрқув қалб ожизлигининг мевасидир.

* * *

Яхшилар билан дўст бўлишнинг надомат келтирувчи ташвиши йўқ.

* * *

Билмаган нарсани билмайман, деб жавоб беришдан уялманг.

* * *

Кўп-озга қаноат қиладиган одам имону инсофда энг бадавлат кишидир.

* * *

Фикрламоқ бир ойнадир, сенга яхши ва ёмон одатларингни кўрсатади.

* * *

Нарсаларга баҳо беришда ошиқма. Яхшилаб кўр, ўрган, сўра, бил. Шунда мулзам бўлмайсан.

* * *

Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва иффат.

Istiqlol va imkoniyat

Миллий матбуот равнақи йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Нашриётлар сони 100 дан ошди, уларнинг ярмидан кўпи хусусий нашриётлар эканлиги ҳам эътиборлидир.

Матбуотнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва иштирокини янада кучайтириш, ўз навбатида, улар эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада кенгроқ татбиқ этишни тақозо этади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида қонунлар қабул қилиш лозимлиги ҳам Концепцияда таъкидлаб ўтилган эди. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда имзоланган **«Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»**ги қарори миллий матбуотимизни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, шу асосда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, моддий-техник базасини кучайтириш, модернизация жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда катта кўламдаги ишлаб чиқариш ҳажмига эга «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида 60 дан зиёд номдаги газета ва 30 га яқин журнал 70 миллион нусхадан ошиқ ададда чоп этилмоқда. Бунинг учун йилига ўртача 2 минг тоннадан ортиқ қоғоз ишлатилади. Шу билан бирга йилига ўртача 200 номдаги 5-6 миллион нусхада китоб ўқувчилар, буюртмачилар қўлига етиб боради.

Айни пайтда айтиб ўтиш жоизки, газета-журналларнинг, китобларнинг нафақат ўз вақтида, шунингдек, яна кўпроқ нусхада чоп этилиши, демакки, ўз ўқувчилари кўламини янада кенгайтириши учун иқтисодий омиллар катта таъсир кўрсатади. Иқтисодий омиллар эса, албатта, четдан олиб келинаётган қоғоз, полиграфия материаллари, ускуналар, замонавий чоп этиш жиҳозларини ҳам қамраб олади. Юқорида таъкидланган қарорга кўра, ана шу четдан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари, ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар учун белгиланган божхона тўловларидан беш йил муддатга озод қилинди.

Қарорнинг яна бир бандида оммавий-ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётларини, имконияти чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғи тўлашдан озод қилиниши қайд этилган. Бу ҳам нашриётлар учун катта имтиёз, афзаллик, демакдир.

Қарорда, шунингдек, ягона солиқ тўлови ставкаларининг туширилиши, газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини чакана сотишга якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг ўрта ҳисобда икки барабарга пасайтирилиши каби бир қатор афзалликлар, имтиёзлар ҳам қайд этилган.

Энг эътиборли томони, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг 54 фоиздан кўпроғи нодавлат оммавий ахборот воситалари бўлиб, бу қарор уларга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Уларнинг ҳам давлат томонидан бу даражада қўллаб-қувватланиши нодавлат оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини кучайтириш, соҳа ходимларининг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган бундай имтиёзлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, журналистика, ноширлик ва матбаа соҳаси мутахассислари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш каби ўта долзарб жараёнларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўзгаришлар натижаси ўлароқ катта куч ва салоҳиятга эга матбуотимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва иштироки янада кучаяди.

Аҳрор АҲМЕДОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти бош муҳаррири,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

G'aroyib olam

Кўзгудаги сир-синоат

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Аввалги сондаги ҳикоямизда таъкидлаганимиздай, тарихда кўзгу билан боғлиқ сирли ҳодисалар кўп учрайди. Масалан, 1997 йили Францияда осори-атиқалар билан савдо қилувчилар жамияти матбуотда қуйидаги мазмунда эълон беради: «Гардишига «Луи Арпо, 1743 йил» деб ёзилган кўзгуга дуч келиб қолсангиз, уни зинҳор-базинҳор сотиб олманг. Чунки бу машъум кўзгу ўзининг узоқ тарихи мобайнида қўлдан-қўлга ўтавериб, қарийб қирқ кишининг умрига зомин бўлган...»

Аслида, бу кўзгунинг йўқолганини дастлаб ҳеч ким пайқамаган. Криминалистикадан дарс берадиган бир профессор маъруза чоғида талабаларга кўрсатиш учун кўзгунинг суратини олишга рухсат сўрагандагина унинг йўқолгани маълум бўлган.

Қадимий буюмлар савдоси бўйича Париж уюшмасининг раҳбари Эмил Френе бу тўғрида шундай дейди: Бу кўзгу 1910 йил икки кишининг ўлимига сабаб бўлганидан буён полиция омборида сақланаётган эди. Аммо уч йил бурун кимдир омборга кириб, бошқа нарсалар қаторида уни ҳам ўғирлаб кетган. Ўғри кўзгуни сотишга уриниб кўрса керак, ҳойнаҳой. Ана шу сабабли ҳам унга дуч келган харидорлар эҳтиёт бўлиши ва дарҳол ҳокимият вакилларига хабар бериши учун бу ҳақдаги маълумотни имкон қадар кенгроқ тарқатишга ҳаракат қилаяпмиз...»

Мутахассиснинг ташвишланиши бежиз эмасди. Бу кўзгунинг мудҳиш таъсири хусусида ўз вақтида турли-туман тахминлар ўртага ташланган. Баъзи фикрларга кўра, Луи Арпонинг кўзгуси ёруғлик нурларини муайян тарзда акс эттириш орқали мияга қон қуйилишига олиб келади. Бошқа тахминга биноан, кўзгуга атайлаб сингдирилган ёки унинг ўзи беихтиёр тўплаган салбий қувват одам ўлимига сабаб бўлади. Яна кимдир, бу сеҳр-жоду билан боғлиқ кўзгу, деган фикрни илгари суради.

Қисқаси, бу масалада ҳали-ҳануз ягона бир фикрга келинмаган. Устига-устак, кўзгунинг ғойиб бўлиши унинг сирларини очишни янада мушкуллаштириб юборди.

Айтилганидек, кўзгу одамнинг ҳис-туйғусини эслаб қолиш хусусиятига эга эканлиги ҳақидаги фаразлар қадимдан маълум. Айрим тахминларга кўра, у заҳарли буғланишларни оҳанрабо темирни тортгандек ўзига тортиб, силлиқ сатҳида йиғар экан. Ўрта асрларда яшаб ўтган машҳур шифокор Парацелснинг бунга ишончи комил эди.

Орадан икки аср ўтгач, 1739 йил Париж фанлар академиясининг ҳужжатларидан бирида тажриба натижаси қуйидагича баён этилган: «Бир қари кампир тиниқ кўзгуга яқинлашиб, унинг олдида жуда узоқ вақт ўтирганида кўзгу унинг кўплаб салбий ҳис-туйғуларини сўриб олди. Кейин шу буғланишларнинг силлиқ сатҳига чўкиб қолган қолдиқлари таҳлил қилинди. Кимёвий тадқиқотлар эса, бу қолдиқлар ниҳоятда заҳарли эканлигини кўрсатди». Бу сатрларни ўқиётиб, эртак ва киноларда тасвирланган, қўлида кўзгу тутган шум кампир кўз олдингизга келгандир, ҳойнаҳой?

Айрим тадқиқотчилар бемор одам кўзгуга қарашини тақиқловчи халқ тушунчасини кўзгунинг айнан ана шу хусусияти билан изоҳлашади. Яна шуни ҳам қўшимча қилишадики, нафақат бемор, балки шунчаки кайфияти бузилган одамнинг тери ва нафасидан заҳарли моддалар ажралиб чиқиб, кўзгунинг силлиқ сатҳига ўтириб қолади. Кейин эса буғланиб, шу кўзгуга қараган одамнинг соғлиғини емиради.

Аслида, ўзида маълумот тўпловчи буюм фақатгина кўзгу эмас. Масалан, исроиллик олим Ханс Берендт ўта сезувчанлик қобилиятига эга бўлган аёл иштирокида қизиқарли тажриба ўтказди. У аёлдан иккита бир хил қутича ичида турган, нималиги номаълум бўлган буюмлардан ўзида қандай ҳиссиёт туяётганини сўрайди. Қутичалардан бири аёлда портлашга ўхшаш кучли туртки ҳиссини уйғотади. Иккинчиси эса, мутлақо бошқача таъсир кўрсатади — аёл қадимий улкан амфитеатр биносини ярим вайрона ҳолда кўргандек бўлади. Қутичалар очилганда биринчисида кучли портлаш чоғида чил-чил синган ойна парчалари, иккинчисида эса, қадимги Рим тангалари бор экан.

Бундай ҳодисаларни замонавий эниология (қувват-ахборот алмашинуви) фани шахсдан тарқалувчи ижобий ёки салбий қувват-ахборотнинг бошқа жисмга кўчиши, деб таърифлайди.

«Биз атрофимиздаги ҳамма нарсада ўз шахсимизнинг изини — кучли қувват-ахборотдан иборат изимизни қолдирамиз, — дейди биология фанлари доктори Пётр Гаряев. — Бу излар теграмиздаги жамики борлиқ — буюмлар, сув, ҳаво — ҳаммаҳамма нарсага сингиб кетган».

Шу маънода ҳар қандай буюм хотирага эга. Ўта сезгирлик қобилиятига эга бўлган одамлар исталган буюмни қўлга олиб, унинг эгаси ҳақидаги ахборотни «ўқиши» мумкин. Парапсихология фанларида бу ҳодиса «психометрия» деб аталади. Масалан, машҳур болгар башоратчиси Ванганинг қабулига кирувчи ҳар бир одам бир кеча ёстиғининг остига уч чақмоқ қанд қўйиб ухлаши керак эди. Шу кишига оид жамики ахборот — ўзи биладиганлари ва билмайдиганлари кристалл модда бўлган қандга худди магнитофон тасмасига ёзилган овоздек ёзилиб қолган. Эртасига эса Ванга қандларни қўлига олиб, ўша одамнинг бутун ҳаётини, унга тегишли маълумотларни баайни китоб ўқиётгандек «ўқиб» берган.

(Давоми келгуси сонда)

Абдурашид ҲАСАНОВ,
техника фанлари доктори

Giyohvandlik — asr vabosi

Саломатлик — улуғ неъмат

шу боис унга путур етказувчи иллатларга бефарқ бўлмайлик

Бу ҳаётда одам боласи учун энг улуғ неъматлардан бири, шубҳасиз, сиҳат-саломатликдир. Зотан, соғлиғи мустаҳкам киши куч-ғайрати, ақл-салоҳиятини оиласи, қолаверса, жамият ривожи йўлида сарфлайди. Бетоб одамнинг эса на ишида унум бўлади ва на кўнглида ҳаловат.

Албатта, инсон саломатлиги масъулият ва алоҳида эътиборни талаб этади. Шу маънода соғлиққа бепарво қараш, устига-устак, унга жиддий зиён етказувчи иллатларга ружу қўйиш ҳеч қачон изсиз кетмайди. Масалан, муттасил спиртли ичимлик ичиш ёки чекишга муккасидан кетган одамлар бора-бора ҳам соғлиғини йўқотади, ҳам ишлаш қобилияти сусаяди. Зарарли иллатларнинг энг хавфлиларидан бири эса, шубҳасиз, гиёҳвандликдир. Бу иллат инсоннинг нафақат танига, балки ақлу тафаккурига ҳам зиён етказади.

Афсуски, азбаройи бойлик орттириш илинжида гиёҳвандлик воситалари олди-сотдиси каби қабиҳ иллатга қўл урадиган айрим кимсалар буни асло ўйламайди. Улар учун фақат бойлик бўлса, бас.

Деновлик Муҳаммадали Раҳимов оғуфурушликка қўл ураётганида бу мулоҳазаларни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак...

У эски таниши Жасурнинг анчадан буён оғуфурушлик билан шуғулланиб юришини биларди. Шу боис у билан учрашганда муддаога кўча қолди:

— Агар ҳалиги «дори»дан топиб берсангиз, у ёғини ўзим эплардим.

Жасурга ҳам айнан Муҳаммадалига ўхшаш «воситачи»лар керак эди. Қисқаси, Жасур уч-тўрт кун ичида Муҳаммадалига «заҳри қотил»дан топиб берадиган бўлди. Дарҳақиқат, келишилган кун Жасур 100 граммдан зиёдроқ «опий» гиёҳвандлик моддасини 250 минг сўмга пуллади. Муҳаммадали эса, Жасурдан оғуни олган куниёқ «қайдасан, Термиз» дея йўлга тушди.

Бироқ у чучварани хом санаган экан. Чунки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳушёрлиги, тезкор саъй-ҳаракатлари боис Муҳаммадали жиноят устида қўлга олинди.

Суд оғуфуруш Муҳаммадали Раҳимовнинг жиноий кирдикорларини атрофлича таҳлил этиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан унга нисбатан узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинлаш ҳақида ўз ҳукмини ўқиди.

Шу тариқа эндигина йигирма икки ёшга тўлган Муҳаммадали қора қилмишларининг касрига қоладиган, навқиронлик дамларини яқинларидан йироқда, темир панжара ортида ўтказадиган бўлди. «Ҳар ким экканини ўради», деганлари шу бўлса керак.

Акбар ҲАБИБУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

Қалтис қадам

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

«Биринчи хатга эътибор қилмадинг, — деб бошланганди мактуб. — Агар айтилган пулни бермасанг, қизингни ўғирлаб кетаман. Айтилган пулни Мунисанинг битта-ю битта акаси орқали бериб юбор. У пулни Тошкент йўлига олиб чиқиб турсин».

Хосият опа билан Равшан ака турмушлари давомида уч нафар фарзанд кўришди. Учаласи ҳам қиз. Мухлиса билан Маҳлиёни аллақачон турмушга узатишган. Уйда кенжаси Муниса қолган.

Хатда кўрсатилган битта-ю битта ака, ҳойнаҳой, Рашид бўлса керак, деган тахминга боришди онабола. Рашид Равшан аканинг тоғаваччаси. У шу яқин атрофда яшайди. Яхши одам, Хосият опанинг хонадонидан тез-тез хабар олиб туради.

Айни дамда Хосият опа ва қизининг юраги қўрқувга тўлиб турганди. Шу боис улар қариндошлари Рашидга қўнғироқ қилиб, эртага кундуз куни уйларига келишини сўрашди.

Эртаси куни Рашид келганда, Хосият опа юмуш билан кўчага чиқиб кетган, уйда Мунисанинг ёлғиз ўзи қолганди. Рашид ҳалиги хатни ўқигач, Мунисага таскин бериш ўрнига баттар ваҳимали гап айтди. Унинг айтишича, бир танишининг уйига ҳам шундай мазмундаги хатни ташлаб кетишган экан. Ҳалиги таниши пул бермагани учун унинг синглисини ўғирлаб кетишибди.

Муниса Рашиднинг ваҳимали гапсўзларидан сўнг баттар қўрқувга тушиб қолди. У онаси келган заҳотиёқ Рашиднинг айтганларини оқизмай-томизмай унга етказди. Кўрқув-ваҳимадан ўзини буткул йўқотиб қўйган Хосият опа хатда айтилган икки минг АҚШ долларини санаб, таҳлади. «Пул топилади, сизлар соғ-саломат юрсаларинг бўлди», деди у қизига.

Шундан сўнг Муниса Рашидга қўнғироқ қилиб, онаси айтилган пулни беришга рози эканини билдирди. Рашид эса, бунга жавобан пул билан бирга хатни олиб, дарвоза олдига чиқиб турингглар, деди.

Қисқаси, Рашид ярим тунда оқ «Нексия»да келди. Мунисанинг кетма-кет берган саволларига жавобан Рашид қандайдир безовталик билан хат ёзганларнинг ҳамма жойда одамлари борлиги, уни ўзлари топиб олиши, пул беришганини зинҳор бирон кишига айтмасликлари кераклигини, акс ҳолда бунинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини таъкидлади.

Эртаси куни эса, Рашид уларнинг уйига чиройли анча очиқ ҳолда кириб келди.

— Кеча кечқурун шу кетишда Тошкент шаҳрига бордим, — деди у. — У ерда икки киши мени бошқа машинага ўтқазиб, кўзларимни боғлашди. Сўнг машинада анча юриб, бир жойга бордик. Кўзларимни очишганди, қаршимда гавдали одам шоҳона дастурхон олдида ўтирган экан. Мен пул билан хатни бердим. Шундан сўнг ҳалиги одамлар яна кўзларимни боғлаб, олиб кетган жойга келтириб қўйишди.

Хосият опа ва унинг қизи Рашиднинг айтганларини таъсирланиб тинглашди. Сўнг Рашидга қайта-қайта миннатдорчилик билдиришди.

* * *

Аёлларнинг оғзида гап турмайди. Хосият опа қизиқ устида уйига аллаким хат ташлаб кетганини қариндошларига «гуллаб» қўйди. Лекин пул беришганини фақат унинг ўзи, қизи Муниса ва Рашид биларди.

Лекин орадан ярим йилча ўтиб... Бир куни кечга томон Мунисага қариндоши Бахтигул қўнғироқ қилди ва ўша эски воқеадан гап очди. Бахтигул негадир қизиқиб, ўшанда пул берган-беришмаганини сўради. Муниса эса, Рашид акаси тайинлаганидек, пул беришмаганини айтди. Аслида Бахтигул шунчаки эрмакка қўнғироқ қилмаётганди. Бу ёғини сўрасангиз, аллаким уларнинг хонадонига ҳам хат ташлаб кетган эди...

Табиийки, ўн тўққиз ёшли Бахтигул билан ўн олти ёшли укаси Исроил, ўн икки ёшли синглиси Холидалар бундан ваҳимага тушишган, бу ҳақида «чурқ» этиб бировга оғиз очишга қўрқишаётганди. Уларнинг ота-оналари эса, хорижда эди.

Орадан уч кун ўтиб, Исроил яна Мунисага қўнғироқ қилиб, Рашид акасининг телефон рақамини сўрайди. Бунга Бахтигулнинг телефонига номаълум рақамдан келган «СМС» сабаб бўлганди. Унда уч минг АҚШ долларини Рашидга беришлари, у эса, маблағни Тошкентга келтириши лозимлиги ёзилганди.

Ўз навбатида Рашид Бахтигулга худди Хосият опа ва унинг қизига айтган гапларини яна такрорлади.

Шу ўринда газетхон воқеалар нишаби қаёққа кетаётганини англаган чиқар. Чунки Рашид ичидан тўқиб-бичиб айтаётган чўпчакка одамнинг ишонгиси келмайди. Бахтигул ҳам бу Рашид томонидан уюштирилаётган товламачилик бўлса керак, деган гумонга боради. Ҳарҳолда Бахтигулнинг кўнглида шубҳа-гумон туғилишига асослар йўқ эмасди. Негаки, ўша сирли хат бир неча марта Бахтигул, укаси ва Рашид ўртасида муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида Рашид Бахтигулга пулни бермаса, оқибати ёмон тугашини, бу ҳақда ҳеч кимга «чурқ» этмасликни, бир пайтлар Мунисанинг бошига ҳам шундай ташвиш тушганда унга ўзи ёрдам бергани, ҳозир ҳам қариндошлик сабаб ёрдам беражагини айтган эди. Унинг гап-сўзлари қандайдир ишончсиз ва шубҳали эканини Бахтигул сезмай қолмаганди...

* * *

Қисқаси, Бахтигул Умматова вилоят ички ишлар бошқармасига кимдир ўзига нисбатан уч минг АҚШ доллари сўраб товламачилик қилаётгани ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Шундан сўнг товламачини ушлаш тадбири тузилди.

Шундан сўнг кўп ўтмай Рашид жабрланувчи Б.Умматовадан товламачилик йўли билан уч минг АҚШ доллари олаётганда қўлга олинди...

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида ҳаммаси ошкор бўлди. 1981 йилда туғилган Рашид Салимов осон бойиб кетиш илинжида ана шундай қабиҳ режага қўл урган экан.

Р.Салимовнинг жиноий қилмишлари Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми «а» банди билан малакаланди ва судда мазмунан кўриб чиқилди. Бу ҳаётда ҳар қандай жиноят жазосиз қолмагани каби, Р.Салимовга ҳам қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

Юқорида баён этилган воқеалар ҳақида фикр юритганда киши кўнглида шундай мулоҳазалар туғилади: бу ҳаётда эзгу ва савоб ишлар кишини улуғлайди, юзини ёруғ қилади. Ёмон ният, қабиҳ ишлар эса, охир-оқибат кишини бадном қилади.

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки инсонга умр бир марта берилар экан, уни эзгу ишлар билан безаб, ўзидан яхши ном қолдириб яшашга нима етсин!

Тўлқинжон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси суд фахрийси

Мунаввар ая МАҚСУДОВАнинг

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9485.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20^{00} Топширилди: 22^{30}